

ISSN 2181-5291

PSIXOLOGIYA


ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 2, 2019

www.psixologiyabuxdu.uz





- 63 **Сапаров М.Ю.**
Шарқ мутафаккирлари ижодиёти ва замонавий психологияда боланинг қомилликка эришишида дунёни англашнинг моҳияти
The works of the Eastern thinkers and the essence of the knowledge of the world in the process of reaching the perfection of children in contemporary psychology
- 69 **Saidiy Said Bolta-Zoda**
Musiqaning differensial psixiologiyasida, psixofiziologiya, neyropsixologiya va psixosomatiklarning biologik rivojlanishidagi ohangshunoslik tizimi
Linguistics system in biological development of psychophysiology, neurophysiology and psychosomatic in the differential psychology
- 76 **Елмуратова А.У.**
Касаначи аёллар фаолиятида ўз-ўзига ишонч даражаларининг мотивацион хусусиятлари
The motivational characteristics of the degree of self-confidence of self-employed women
- 80 **Ачилова Д.А.**
Моделирование учебного процесса на основе психологических измерений
The modelling of educational process on the basis of psychological measurements
- 86 **Олимов Л.Я.**
Агрессия ҳуқ шаклланишининг психологик хусусиятлари
Psychological features of the formation of aggressive behavior
- 93 **Қаршиева Д.С.**
Касбий стресс ижтимоий-психологик муаммо сифатида
Professional stress as a socio-psychological problem
- 100 **Сагиндикова Н.ДЖ.**
Особенности самоуверенности студентов
The features of self-confidence in students
- 103 **Арслонов Қ.П., Музафарова Ф. Б.**
Бадий гимнастикачиларнинг спорт фаолиятида психологик тайёргарлиги
Psychological preparation of gymnasts in their sport activity
- 109 **Чориев Ф.А.**
Вербал ва невербал креатив тестларнинг ўзига хос хусусиятлари
The distinctive features of verbal and non-verbal creative tests

КИБЕРНЕТИК-ПСИХОЛОГ МУШОҲАДАЛАРИ

- 113 **Содиқов М.П.**
Қомилликни замонавий фалсафий масалалари
Modern philosophical issues of perfection
- 116 **Методика: Ота-оналарнинг болаларга бўлган муносабати тест-сўровномаси**
(А.Я.Варга, В.В.Столин)

XABARLAR

- 119 *Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида*



Елмуратова Айсулу Усаховна,
психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

КАСАНАЧИ АЁЛЛАР ФАОЛИЯТИДА ЎЗ-ЎЗИГА ИШОНЧ ДАРАЖАЛАРИНИНГ МОТИВАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мақолада касаначи аёллар фаолиятида ўз-ўзига ишонч даражаларининг мотивацион хусусиятлари ёритилган. Респондентлардан олинган сўровнома натижалари Н.Райдоснинг ўз-ўзига ишончни баҳолаш методикалари билан корреляцион боғлиқлари "Стъюдент-т" мезони бўйича аниқланиб, таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ишонч, ижтимоий, шахс, фаолият, мотивация, касаначилик, қарор қабул қилиш, типлар, тадбиркорлик, корреляцион мувафаққиятга интилиш, мағлубиятдан қочиш.

Аннотация: В статье изложена степень мотивации уверенности в себе женщин, занимающихся надомным видом труда. Результаты опроса респондентов непосредственно корреляционно связаны с методикой оценки уверенности в себе Н. Райдоса и проанализированы по критерию t-Стъюдента.

Ключевые слова: уверенность, личность, мотивация, надомный труд, принятие решения, стремление к успеху, избежание поражения.

Abstract: The article outlines the motivational characteristics of self-confidence in the activities of self-employed women. The results of the questionnaire obtained from the interviewees were correlated with the methods of self-esteem assessment by N. Raydos and were analyzed according to the criterion of t-Student.

Key words: trust, social, personality, activity, motivation, home-based work, making-decision, type, entrepreneurship, correlation, perseverance, failure.

Мавзунинг долзарблиги: Ўзига ишонч - шахснинг шундай хислати, у туфайли инсон ўз имконияти, қобилиятини иш фаолиятида тўлиқ намоён этиши амалга ошади. Ўзига ишонч – ўз кучига, ўз ҳаракатига ишониш сифатида кузатилади. Ўзига ишонч намоён бўлишида ижтимоий вазифаларни бажариш, тажриба, ижтимоий мавқе, маблағ зарур бўлади; ўз хатти-ҳаракатларини баҳолашда объектив ва субъектив томонлар, шахс атрофидаги референт гуруҳ аъзолари ёки обрўли кишиларнинг фикри муҳим ҳисобланади. Бу борада янги вазифа ва мақсадни қўя олишда кишининг ташаббуси ҳам таъсир кўрсатади.

Ҳар бир даврда қайсидир фаолият турига жамиятда етарли шарт-шароит яратилса, унга онд ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинса, у ҳолда жамият аъзолари орасида кизиқиш пайдо бўлиши айтиш ҳақиқатдир. Тадбиркорлик, бизнес, касаначилик каби тушунчалар ҳам мамлакатимиз миқёсида ана шундай долзарб масалаларга айлангани бежиз эмас.

Илмий фаразни текшириш учун касаначилар шартли равишда 4 гуруҳга ажратиб олинди. Булар:

- 1) ОК - оилавий касаначилар, яъни ўз оила аъзолари билан фаолият олиб борадиганлар;
- 2) ЁК - ёш касаначилар, яъни бу фаолият билан яқин орада шуғулланишни бошлаганлар;
- 3) ГК - гуруҳдаги касаначилар, 3-4 нафар бўлиб, биргалашиб фаолият олиб бораётганлар;
- 4) ТК - тажрибали касаначилар, яъни анчадан буён шу фаолият билан шуғулланиб, тажрибасини бошқаларга ҳам таъсир кўрсатганлар.

Касаначилик фаолияти моҳиятига кўра иш берувчи ва бажарувчи ўртасидаги шартнома асосида уй шароитида меҳнат қилишни билдиради. Касаначи аёллар яшайдиган оила тури аксарият ҳолда уларнинг меҳнат фаолиятига, яшаш тарзига, ўзаро муносабатларига таъсир кўрсатади.

Биз касаначи аёлларда ўзига ишончни қандай даражаси уларнинг ўз фаолиятини олиб боришига таъсир этишини ўрганишни мақсад қилдик. Бунинг учун психологик тадқиқотларда



мувафаккиятти кўлланилиб келатган Н.Райдосинит "Шахсинит ўзига ишончини баҳолаш" методикасидан фойдаланиб, ва ўз-ўзига ишончини баҳолашнинг тадқиқот методикалари орасидати боғлиқлиқларини ўрганишга ҳаракат қилдик.

Ижтимоий кўрқувга қарама – қарши сифатда шахслар ижтимоий фаоллик ижобий ҳиссий муносабатларни ўргатиш орқали намой бўлади.

Ўзига ишонч ўрта асосий таркидан иборат:

- Ишонч ҳисси (қучини ҳис этиш);
- Ишончи хатти-ҳаракат;
- Ишончи қарор қабул қилиш.

Натижаларни ҳудудлар бўйича ўргатан вақтимизда Д.ж. Холланд методикаси бўйича шахс типларидан тадбиркорлик ва ижтимоий тип юқори даражада эканлиги маълум бўлди.

Юқори даражадаги ушбу типлар Т.Элерсинит "Мувафаккият интилиш мотивацияси", "Матлубиятдан қочиб мотивацияси", Н.Райдосинит ўз-ўзига ишончини баҳолаш методикалари билан корреляцион боғлиқлиқлари Стьюдент-т мезони бўйича аниқланди.

Жадвал № 1. **Шахс типлари бўйича методикаларро мезонли кўрсаткичлари Стьюдент т мезони бўйича (n=201)**

Шахс тип	Методика	Даража-лар	N	Ўртача	стандарт оғиш	p≤	n	Ўртача	стандарт оғиш	p≤	Ижтимоий тип
Мувафаккият интилиш мотивацияси	Юқори	45	11,311	7,52518	0,0	33	163	8,8098	7,12460	0,05	Ижтимоий тип
		156	8,7051	7,05482	0,0	33	38	11,342	7,39348	0,05	
Матлубиятдан қочиб мотивацияси	Юқори	45	11,844	7,54669	0,0	12	163	9,1166	7,20202	0,149	Ижтимоий тип
		156	8,7885	7,01244	0,0	12	38	11,000	7,24476	0,149	
Ўз-ўзига ишончини баҳолаш	Юқори	45	2,5111	0,75745	0,9	91	163	2,5399	0,86955	0,344	Ижтимоий тип
		156	2,5128	0,87611	0,9	91	38	2,3947	0,75479	0,344	

Натижалар 1-жадвалда акс этган. Олинган натижалар қуйидагича таҳлил қилинди:

тадбиркорлик типидати юқори даражада эга қасаначилиқларда Т.Элерсинит "Мувафаккият интилиш мотивацияси" методикаси бўйича ўртача микдор кўрсаткичи ($m=11,311$;) ҳам юқори бўлиб, бу қасаначилиқлар ўз фаоллиқларини олиб боришда ўзига нисбатан талабчан, ташаббускор, масъулиятли, бажаратли фаоллиқни натижаларини яхши эканлигини кўрсата олиш каби бир қатор ўстаноқларга эга типидати билдиради. Худди шу типидати мувафаккиятга нигилиш мотивацияси паст даражадаги қасаначилиқларда юқори даражада эга бўлганларга нисбатан ўртача микдор кўрсаткичи ($m=8,7051$;) бўлиб, назаримизда, қасаначилиқ билан шуғулланишда иш билан бандлик улар учун муҳим, қайсибир ишни бажариш орқали улардаги жамоатга тегишлилик, ишсиз эмас эканлиги каби психологик ёндашув ўстуғлигини кўрсатган.

Тадбиркорлик типининг юқори даражадаги қасаначилиқларда "Матлубиятдан қочиб мотивацияси" методикаси бўйича ҳам ўртача микдор кўрсаткичи ($m=11,8444$;) этарлича юқори бўлиб, бу ўз навбатида қасаначилиқ фаоллиқни билан шуғулланиш давомиди матлубиятдан қочиб истаги ва мотивацияси мавжудлигини кўрсатади. Яъни бекорлик, бекорлик хисси қаратилган қасаначилиқларда кўрсаткичи, кўрсаткичи, бу қасбий фаоллиқ учун муҳим ҳисобланади.

Матлубиятдан қочиб мотивацияси паст даражада бўлган қасаначилиқларнинг ўртача микдор кўрсаткичлари ($m=8,7885$;) ўртача. Бу ҳолда ўз навбатида фаоллиқда ўруғининг ютуғи ҳамма

учун зарур эканлиги, биргаликда ойлик маош олишда бошқалардан ажралиб қолиш нокулайликни юзага келтириши мумкинлигини англаш, қолаверса, тажрибали ва оилали касаначи аёллар ўз меҳнатларига жиддий ёндашиш билдиради.

Тадбиркорлик типининг ҳам юқори ва паст даражаси намоён бўлган касаначи аёлларда Н.Райдоснинг ўз-ўзига ишончни баҳолаш методикаси бўйича аҳамиятлилик даражасидаги фарқлар кузатилмади. Натижаларга таяниб, тадбиркорлик типи юқори даражада бўлган касаначиларни – ўзларига ишонадилар, улар ҳар доим тўғри иш қиляпман деб ўйлайдилар, қайси ҳолатда хато қилаётганлигини яхши биладилар, дейиш мумкин.

Ижтимоий тип юқори даражада кузатилган касаначи аёлларда Т.Элерснинг "Мувафакқиятга интилиш мотивацияси" методикаси бўйича ўртача миқдор кўрсаткичининг ($m=8,8098$;) аҳамиятга эга эканлиги кузатилди. Бундан фаол, мулоқотчан, эмоционал, таъсирланувчан инсонлар билан муносабатларни ўрнатиш ва ушлаб туришни яхши биладиган касаначи аёлларда мағлубиятдан қочиш, ўз навбатида фаолиятда гуруҳнинг ютуғи ҳамма учун зарур эканлиги, биргаликда ойлик маош олишда бошқалардан ажралиб қолиш нокулайликни юзага келтириши мумкинлигини англаш, қолаверса, тажрибали ва оилали касаначи аёллар ўз меҳнатларига жиддий ёндашишни хошлашларини билдиради.

Ижтимоий тип бўйича Т.Элерснинг "Мағлубиятдан қочиш мотивацияси" ҳамда Н.Райдоснинг ўз-ўзига ишончни баҳолаш методикалари орасида аҳамиятлилик аниқланмади.

Тадқиқот натижалари бўйича касаначи аёлларни тадбиркорлик типи ва ижтимоий типи орасида катта тафовут кузатилмаса-да, назарий жиҳатдан уларни мағлубиятдан қочиш мотивациясини индикатив кўрсаткич тарзида қабул қилиб, шартли равишда учга ажратиш мумкин. Булар:

- мағлубиятдан қочиш мотивацияси юқори даражада ифодаланган касаначи аёллар;
- мағлубиятдан қочиш мотивацияси ўрта даражада ифодаланган касаначи аёллар;
- мағлубиятдан қочиш мотивацияси паст даражада ифодаланган касаначи аёллар.

Касбий фаолият тоифалари орасида тадбиркорлик типи бизнинг тадқиқотда энг юқори кўрсаткичларда ифодаланган. Чунки касаначилик маълум маънода шахсдан топқирликни, ҳаракатчанликни, ташаббускорлик ва тинмай амалий меҳнатни талаб этади.

Касаначи аёлларнинг ТК, ОК тоифаларида ютуққа эришиш мотивациялари устунлиги яққол намоён бўлади. Бу ҳолат ўз навбатида тажриба ва оила шароити касаначи аёллар учун энг муҳим омил эканлигини кўрсатади.

Касаначи аёлларнинг ЁК ва ГК тоифаларида ютуққа эришиш мотивациялари ўртача даражада кузатилиши – ёш касаначиларда ҳамда гуруҳ ичида шуғулланаётганларда иш билан бандлик муҳим экани, қайсидир ишни бажариш орқали улардаги жамоага тегиишлилик, ёш бўлса ҳам ишсиз эмас эканлиги каби психологик ёндашув мавжуд эканлигини билдиради.

Тадбиркорлик типининг "Мувафакқиятга интилиш мотивацияси" ($r=0,234^{**}$) ва "Мағлубиятдан қочиш мотивацияси" ($r=0,243^{**}$) билан ижобий боғланишлари аниқланди. Бундай боғланиш касаначилик билан шуғулланувчи аёллар фаолиятида топқирлик, ҳаракатчанлик, ишонччилик, ташаббускорлик, таваккалчилик, етакчиликка интилувчанлик, ўзини кўрсатиш, узоқ муддатли диққат жамланишини талаб қилувчи машғуллотларни ёмон кўриш хусусиятлари қанчалик юқори бўлса, мувафакқиятга интилиш мотивацияси ва мағлубиятдан қочиш мотивацияси ҳам шунчалик ўта юқори бўлишини билдиради.

Касаначи аёлларда худуд миқёсида терминал кадриятларнинг аҳамиятлилиги ва кам аҳамиятлилиги деярли ўзаро яқин натижалар билан характерланади, кескин тафовутларнинг намоён бўлиши жинс билан боғлиқ хусусиятини ойдинлаштиради.

Худуд кесимида воситали кадриятларда тафовут мавжуд, ҳар бир регионда воситали кадриятлар ўзига хос равишда касаначи аёлларнинг теварак-атрофдаги оламга, бошқа кишиларга, ўзига муносабатлари негизини, дунёқараши асоси ва ҳаётий фаолият мотивацияси ўзагини, ҳаётий позициясини билдиради.

Касаначи аёллар учун инструментал ва терминал кадриятлар ўз ўрнига эга бўлиб, бу кадриятлар орасида мақсадли кадриятлар барча касаначи аёлларда бир хил даражада намоён

булади ва шунинг билан бирга, мақсадли қадриятлар воситаи қадриятларга нисбатан устуң даражада кузатилади. Бу касаначи аёлларнинг ҳаётидан ва фаолиятдан кутадиган мақсади, ниятларини белгилаб бери.

Хуллас, касаначи аёлларнинг ёш кўрсаткичларига кўра қадриятлар туркумланиши таҳлилдан кўринадики, ёш касаначилар асосан ижтимоий ва ўзини тақомиллаштириши қадриятлари, ёш катталар эса мослашиши қадриятлари эътибор берилган. Бу ўз навбатида, ёшлар учун таълим олиш, ривожланиш, оила қуришга интилиш, ўз макени даражасини ўстиришни ўйлаш муҳим ўрин эгаллашини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Мирзиев Ш.М. Буюк келажатимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Барукова С.Ю. Женское предпринимательство: специфика и перспективы. // Социологические исследования. 1999. №9. – С. 75-84.
3. Зарвоянц А.Г. Потребности, интересы, ценности. – М.: Политиздат, 1986. – 222 с.
4. Каримова В.М. Ўзбекистонда оилаварни ижтимоий муҳофаза қилиш механизми. // Оила: ижтимоий ҳимоя омиллари. Илмий-оммабоп мақолалар тўплами. (Профессор В.М.Каримова тахрири остида) – Т.: 2007-118 б.
5. Ортикова Д.А. Фаол сисбат: касаначиликни кент қўлаш учун иш берувчи корхоналарнинг молий-техника таъминоти етарли даражадами. // Солиқ тўловчининг журнати. № 4. 2006. – Б. 24-27.
6. Софиев Н.А. Ўзбек оиласининг ижтимоий психологик таъдик этиш масаллари. // Хозирги замон психология фанининг долзарб муаммолари. Психология фани соҳасида энг яхши мақолалар танловида ғолиб чиққан мақолалар тўплами. № 1. –Т.: – 1997. – Б. 32-40.
7. Хекхаузен Х. Мотивация и деятельность: Пер. с нем.; в 2 т. – Т.2. – М.: Педагогика, 1986. – 408 с.

